



# ИШОНЧ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг газетаси

32

1994 йил  
6—12 август  
(174)



**Меҳнатим, меҳр-муҳаббатим  
сенга, ҳур Ватан!**

## МАҚСАДСИЗ ИШ БИТМАС...

Келажакка катта умид боғлаб, унинг пойдеворини мустаҳкам қилиб қуришимиз лозим. Президентимиз шунга даъват этади. Қуни кеча Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда 1994 йилнинг 1 ярмида иқтисодий ислохотни амалга ошириш яқунлари ва уларнинг самардорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари ҳақида гапирар экан, халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонликка эришишнинг бекиёс аҳамияти ҳақида муфассал тўхтади.

— ...Ўтказилган ислохотнинг устивор йўналишларини, алоҳида аҳамият бериш лозим бўлган жиҳатларини яна бир бор назардан кечириб, аниқлаб олиб, фаолиятимизни яна ана шу асосда давом эттиришимиз керак,— деди у.— Зеро, ҳаётга табдиқ этилаётган ислохотдан асосий мақсад Республиканинг тўла иқтисодий мустақиллигига эришиш... ислохот йўлидаги асосий муаммоларни янада муваффақиятли амалга оширишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, мақсадсиз иш битмас... деб бежиз айтмаган халқимиз. Фақат мақсад билан олдинки кўра билиш ва олий мақсад билан олдинги интилиш мумкин. Бизнинг мақсадимиз, фаровон келажакни барпо қилиш экан, ҳозирдан белни маҳкам боғлаб, астойдил унга киришишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда бугун. Бунёдкор халқимиз, айниқса деҳқонларимиз, пиллакору ғаллакорларимиз фидокорона меҳнат қилиб, ҳар жабҳада фақат юқори натижаларга эришмоқни олдиларига олий мақсад қилиб олган эканлар, бу бугунги сиёсатимизга бўлган садоқатдан далолатдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз "Ўзбекистон тарихида биринчи марта 1 миллион тоннадан зиёд ғалла тайёрланганлигини таъкидлаб, "лекин ана шу пешона тери билан етиштирилган пилла, ғалла учун ҳақ тўлашни, деҳқонлар билан ҳисоб-китоб қилишни тегишли идоралар нега пайсалга соляпти, дея,— куйиниб гапирди,— ана шунинг натижасида корхоналарнинг ўзаро қарзи кўпайиб кетмоқда. Улар ҳозир 4 миллиард сўмни ташкил этади. Шундан тахминан 20 фонзи ҳамдўстлик давлатларига тегишли,— дейди.

Юртбошимиз айтишича, мустақиллигимизнинг яна бир рамзи ўзининг бўй-басти, кўрки, чиройи билан зоҳир бўлиб, кўзларимизни қувонтирмоқда. Шунинг учун ҳам сўминг харид қобилиятини мустаҳкамлаш, кадрини тушириб юбормаслик энг долзарб вазифалардан эканлигини ҳам уқтириб ўтади.

Мамлакатда хусусийлаштириш жараёни ҳам кўнгилдагидек кечмаётганлигидан ачиниб гапирди. "У фақат расмийлик учун амалга оширилгандек таассурот қолдиради. Савдо, маънавий хизмат соҳаларида бу иш гўё тугалланган бўлсада, амалда моҳият деярли ўзгармади", дейди у.

Президентимиз транспорт соҳасидаги қийинчиликларга ҳам алоҳида тўхталиб, турли ташкилотларда, айниқса, автокорхоналарда баъзи эҳтиёт қисмлар йўқлиги туфайли тўхтаб ётган ўнлаб юк машиналари, автобуслар борлиги ва уларни фуқароларга шахсий мулк сифатида сотиш мумкинлиги, шундай қилинса, шахсий мулк эгаси таъмирлашни ҳам ўзининг зиммасига олиши, эҳтиёт қисмлар ҳам топиши, энг муҳими ўша транспорт воситалари одамларга хизмат қилиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Тошкент, Бухоро, ва Самарқанд шаҳрида меҳмонхоналарни чет эллик сармоядорларга сотилганига анча бўлганига қарамай, амалда ҳеч бир иш қилинмаётганлигини ҳам танқид қилди. "Ахир бу меҳмонхоналарга сайёҳлар келишади, ўзларининг доллар, марка, иенларини ташлаб кетишади. Қолаверса, шаҳарларимизга юксак хизмат кўрсатиш маданияти кириб келади, одамларимиз улардан иш ўрганади", дея президентимизнинг таъкидлашидан мақсад келажакимизнинг тўкин-сочини бўлиши, халқимиз маданиятли турмуш кечиршига бўлган ғамхўрлигидан далолатдир.

У қишлоқ хўжалиги тизимини ислох қилиш масаласида ҳам тўхталиб, ҳозир кўп давлат хўжаликларини мулкчиликнинг янги жамоа, оилавий ижара шаклларига ўтгани, деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этилгани, аммо унинг келажак қандай бўлишини тасаввур қилиш мураккаблашиб бораётганини ҳам уқтирди. "Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бу борада аниқ дастури ёки бирор амалий таклифи йўқ,— деди у.— Ваҳоланки, ер ҳақиқий эгасини топмас экан, бу соҳадаги ислохот олға босмайди".

Келажак буюк давлат барпо этишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу борада миллий давлатчиликни, асрий қадриятларини тиклаш, бозор муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиш зарур. Бу борада республикамизда катта ишлар қилинаётган. "Бошқача қилиб айтганда,— дейди Ислоҳ Каримов,— баъзилар бино қуришни томдан бошлаган бир вақтда биз ислохотимиз пойдеворини мустаҳкамлаб олиб, босқичма-босқич амалга оширяпмиз... Фақат аҳил бўлсак, бир-биримизга ишониб, бир ёқадан бош чиқариб, камчилик ва нуқсонларни қадам-бақадам бартараф этиб борсак, иншооллох, барча нияти-мизга етамиз".

Президентимизнинг бу сўзларидан аниқ-равшанки, эртанги фаровон кунларимиз яқин, чунки унинг пойдевори мустаҳкам.

## ТАРАДДУД

Мустақиллигимизнинг уч йиллигини нишонлаш олдидан оммавий ҳашар уюштириш ташаббусига қўшилаётганлар сафи кундан-кунга кенгаймоқда.

Ўтган ҳафта бу ташаббус юзасидан Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшмалари Марказий Қўмитасининг мажлиси қатнашчилари мурожаат қабул қилган эдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмалари Марказий Қўмитаси жамаоиси ҳам бу ташаббусга бажонидил қўшилганликларини билдиришди. Қўмитанинг Раёсат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги тасарруфидаги барча алоқа тармоқлари аъзоларига қарата чиқарган ўз мурожаатлари бир овоздан маъқулланиб, тасдиқланди. Улуғ байрам муносабати билан умумхалқ ҳашаридан тушган иш ҳақини ижтимоий жиҳатдан муҳтож оилаларга, ногиронлар, кўп болали оналар, етимхоналар ҳисобига ўтказишга қарор қилдилар.

"Ишонч" мухбири.



Барча ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасаларида байрамолди муносабатлари қилиб кетди. Тошкентдаги "Паризод" тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳам бу муносабатга фаол қатнашиб билан хилма-хил кийим-кечаклар тикиб, аҳолига тўхта қилиш ҳаракатига астойдил киришилган. Сиз кўриб турган суратда ана шу корхона тикув цехининг илгор ишчилари Дилбар Атолова, Базира Маҳкамалар янги андоза билан маҳсулот яратиш устида баҳс юритишмоқда.

К. ЎЛМАСОВ олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Шу кеча кундузда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги байрами олдидан ҳаммаёқда таратилган қизғин. Кишиларда кўтаринки руҳ, ўзгача ғайрат-ташаббус. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати мажлисида ана шу айём файзи кездди. Мажлисини кенгаш раиси Х. Б. Жамолов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг саккизинчи мажлисини ва Ўзбекистон касабаси уюшмалари XV қурултойини қақариш масалалари ҳам кўриб чиқилиб, бу ҳақда бир битимга келиб олинди. Шунингдек, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига бирлашган Ўзбекистон касабаси уюшмалари янги

Низом лойиҳаси ва Ҳаракат дастури лойиҳаси, Ўзбекистон касабаси уюшмалари XV қурултойига вакиллик нормаси, Федерация марказий кенгашини шакллантириш таркиби тўғрисидаги ахборотлар тингланди ва яна бошқа қатор масалалар кўриб чиқилиб, ҳар бири ҳақида алоҳида қарорлар қабул қилинди.

Ўз навбатида сўзга чиққан касабаси уюшмалари ва тармоқ кўмита раҳбарлари тасарруфларидаги корхоналарнинг жамоа аҳли яқинлашиб келаётган музобак айёмга қандай ҳозирлик кўраётганликлари ва меҳнат ютуқлари тўғрисида ахборотлар беришди.

Айниқса, байрамолди умумхалқ

ҳашарини уюштириш тўғрисида Ўзбекистон фуқаролари, касабаси уюшмаларининг барча аъзоларига Ўзбекистон кимё саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси қатнашчилари эълон қилган мурожаати мажлис аҳлига бошқача руҳ бағишлади. Бу мурожаат япми мажлис аҳли томонидан алоҳида эътибор билан қабул қилиниб, унга алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Қўмитаси ва бошқа қатор уюшма кўмиталари ҳам қўшилганликларини изҳор этидилар.

Шунингдек, мажлисида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси газеталарига 1995 йил учун обуна ташкил этиш масаласи юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## ЯНГИЧА ШАРОИТ ВАЗИФАЛАРИ

### ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИНИНГ VIII МАЖЛИСИ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг навбатдаги VIII мажлисида кенгаш раиси Х. Б. Жамолов "Турли тарздаги иқтисодий ва бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон касабаси уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш ва тарихий тузилишини қайта ташкил этиш тўғрисида" маъруза қилди. (Маъруза матни газетанинг 3-4 ва 5-саҳифаларида босилмоқда).

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Тошкент вилояти касабаси уюшмалари кенгаши раиси Д. Н. Жаҳонгирова, Ўзбекистон кимё саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Н. Т. Қосимов, Чирчиқ трансфарматор заводи касабаси уюшма кўмитаси раиси Л. П. Гуль, Сурхондарё вилоят касабаси уюшмалари кенгаши раиси Х. Шарофудинов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ходимлари касабаси уюшмаси республика кўмитаси раиси И. Абдуғаниев, энергетика ва электротехника ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент вилоят кўмитаси раиси К. Мақсудхонов, Андижон вилоят касабаси уюшмалари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Н. Икромовлар истиқлол шарофати билан республика касабаси уюшмалари ходимлари эркин ва мустақил фаолият кўрсатиб, федерал ва халқчиллик тамойилларига амал қилинаётганликларини гапириб бердилар. Қатор чет эл мамлакатлари касабаси уюшма марказлари билан ўзаро алоқалар боғланиб, маълум даражада тажриба

алмашувлар ривож топди. Борди-келдилар яхши йўлга қўйилди.

Сўнги йиллар ичида республика касабаси уюшмалари фаолиятида анча илғимий ўзгаришлар юз берганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Эл-юрт ҳаммасини кўриб, ҳис қилиб турибди. Бу ўзгаришлар ўз навбатида касабаси уюшмалари тизимлари ва иш юритиш тартибларига ижобий таъсирини ўтказадиган янги Ҳаракат дастури ва Низомини ишлаб чиқиш мақсадаги мувофиқ деган таклифлар ўртага қўйилмоқда. Шу муносабат билан кенгаш аъзолари Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига бирлашган касабаси уюшмаларининг Ҳаракат дастури ҳамда Низомининг янги лойиҳасини асосан тасдиқладилар. Маъруза лойиҳаларини "Ишонч" ва "Ишонч-Доверие" газеталарида эълон қилингандан кейин барча республика касабаси уюшма ташкилотларида мукамал ўрганилиб, кенг муҳокама қилинишга тавсия этилди.

Мажлисида Ўзбекистон касабаси уюшмалари XV қурултойини 1995 йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида қақаришга қарор қилинди. Шунингдек, мажлисида яна бир қатор масалалар кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Республика Вазирлар Маҳкамаси бўлим бошлиғи Р. Каримов ва бошқа маъмурий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этидилар.

## ХАБАРЛАР МАҒЗИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Чорва моллари ва сутнинг харид нархларини ошириш тўғрисида" қарор қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ун ва булка номининг чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида"ги ва "Аҳолига сотиладиган автомобиль бензинининг чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида"ги қарорига кўра 1994 йил-

нинг 1 августидан бошлаб 1 килограмм уннинг чакана нархи 1,2 сўм, 1 килограмм булка номининг чакана нархи 1 сўм, аҳолига сотиладиган бензиннинг чакана нархи 1 литр учун 2 сўм миқдорига белгиланди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркиянинг "Бейендик" фирмаси бошқаруви раиси Маҳмат Бейендикни қабул қилди. БМТнинг Афғонистондаги махсус

миссияси раҳбари, БМТ Бош қотибнинг махсус вакили Маҳмуд Мистирейни ҳамда БМТнинг Афғонистонга инсонпарварлик ердами кўрсатишни мувофиқлаштирувчи бюроси директори Миссурис Сотирисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов уларнинг илтимосига кўра қабул қилди. Суҳбат чоғида Афғонистондаги ҳамда Тожикистон чегарасидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги саъй-


ҳаракатларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Тошкентдаги хорижий ваколатхоналар ходимлари, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда чет эллик журналистлар билан учрашди. Учрашув Ўзбекистонда ислохотлар жараёни, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига бағишланди. Учрашув сўнггида Ислоҳ Каримов дипломатлар ва журналистларнинг

кўплаб саволларига батафсил жавоб берди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси савдо харид уюшмаси "Ўзбектайёрлов-савдо" ташкил этилди.

КЕЧА мамлакатимизнинг барча олий ўқув юрталари кундузги бўлимларига кирувчилар учун тест усулида имтиҳонлар бўлиб ўтди.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ШАҲДАМ ОДИМЛАР

Таҳририятимизнинг буғунги меҳмони Қорақалпоғистон республикаси Олий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи, қўмита раиси Гулистон Аҳмедовна АННАҚИЛИЧЕВА.

— Гулистон Аҳмедовна, Қорақалпоғистонда уч йил мобайнида содир бўлган ўзгаришлар, истиқболга қўзғанаётган вазифалар хусусида гапириб берсангиз.

— Уч йиллик босиб ўтилган йўл, бир неча ўн йилларга татиғулик десам муболаға бўлмас. Ҳақиқий мустақилликка эришиб, ўзлимизни танидик, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилдик. Ҳар бир фуқоро келажакка комил ишонч билан қарай бошлади. Энг муҳими ўтган уч йилда сиёсий барқарорлик, тинчлик таъминланиб, бозор муносабатларига ўтишдек, мураккаб бир шароитда халқларимизнинг меҳнат қилиши учун қулайлик яратиб берилди.

Ўлкамизда иқтисодиётни мустақамлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, фаровонлигини таъминлаш учун изчил иқтисодий ислохотлар ўтказилди. Айниқса, Президентимизнинг шу йил 21 январдаги Фармони ва ундан кейин қабул қилинган қарор ҳамда кўрсатмаларидан келиб чиқиб, маиший хизмат, савдо, турар-жой, маҳаллий саноат ва дорихоналарни давлат тасарруфидан чиқариш тугаланиш арафасида. Республикада уч марта “ким ошди” савдоси ўтказилди. Шу кунларда мулкнинг шахсий шакллари ўзлаштирган меҳнат жамоалари сони 2,5 миңдан ортиб, 15 миң киши меҳнат қилаётган. Хусусийлаштирилган корхоналарда маҳсулот етиштириш ҳажми икки, ҳатто уч баробар ортиб кетди.

Деҳқон фермер хўжаликлари сафи кенгайиб, ҳиссадорлик ҳисобидаги фермаларни ташкил этиш ҳал қилувчи поронага кўтарилди. Овулларда хомашени қайта ишловчи кичик корхоналар, цехлар қурилиб тайёр маҳсулот етиштириш қўлаймоқда.

Лекин бу вазифаларни оғишмай адо этишда ва иқтисодий ислохотлар ўтказишда қатор нуқсонлар борлиги шу йил 29 июль кунин бўлиб ўтган республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида рўйи-рост очиб ташланди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни ўтказиш талаб даражасида эмаслиги Президентимиз томонидан ҳаққоний танқид қилинди. Республикада истиқомат қилувчи барча қишлоқ аҳли, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, биринчи навбатда ўз асфларидан салкам 400 миңга эъзони бирлаштирган касаба уюшмалари бу кўрсатмалардан тегишли хулоса чиқазилди.

— Мустақиллик Қорақалпоғистонга ҳам чет эл инвестициясини киритиш, қўшма корхоналар тузишни тезлаштириш имконини берди. Бу борада ҳам тўхтасангиз.

— Мустақиллик том маънода маҳаллий тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун кенг йўл очиб берди. Ҳозир Германия, Франция, Италия ва Япония каби хоржий давлатларнинг республикамиз бой табиий ресурсларига қизиқишини ортмоқда.

Туркиянинг “Язек” корпорацияси билан ҳамкорликда қурилган “Катекс” — Қорақалпоғистон тўқимачилик комбинати ишлаб чиқараётган маҳсулотлар жаҳон бозорига йўл олди. “Элтекс” — Элликқалъа тўқимачилик мажмуи ҳам мустақиллик байрами арафасида ишга тушириш мўлжалланаяпти. Яна бир қўшма корхона “Чимтекс” — Чимбой тўқимачилик мажмуи қурилиши бошланди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, халқ дастурхонига тортиқ қилиш

асосий вазифа бўлиб қолди. Нукус тумани хўжаликлари асосан полиз, сабзавот маҳсулотлари, мева етиштиради. Илгари фақат помидор тайёрлашнинг ўзидангина йилга ярим миң тоннагача маҳсулот нобуд бўлиб кетар эди. Эндиликда туман хўжаликларида томат, консерва ишлаб чиқарувчи кичик заводлар, цехлар қурилди.

Шу туманда қанд давлаги етиштириш йўлга қўйилди. Келаси йилдан бошлаб қанд ишлаб чиқаришга киришилади. Шунингдек, нукусликлар Голландия картошкаси экиб, мўл ҳосил етиштириши ҳам ўзлаштириб олишди.

— Меҳнатқиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ишларни ҳам билмоқчи эдик.

— Иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги ўз навбатида ижтимоий масалаларни ҳам тезкор ҳал этиш имконини беради. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга тадиқ этилаётган ижтимоий сиёсат халқимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Олисдаги овуллар аҳолиси ҳам табиий газдан, сифатли ичимлик сувидан баҳраманд бўлаётганлар. Масалан, Устюрт этакларида жойлашган энг йирик Кўнғирот тумани аҳолисининг 96 фоизи табиий газ билан таъминланганлиги ҳам мустақиллик шарофатидандир.

Ноғиронлар, кўп болали оилалар, хуллас, муҳтожларга ердан бериш масаласи умумда давлат даражасига кўтарилди. Ҳозир барча хайрия жамғармалари фаол ҳаракат қилаётган.

— Биз “Соғлом авлод учун” нишонининг таъсис этилишидан беҳад фахрланмоқдамиз. Қорақалпоғистонлик икки нафар жонқуяр табиий ҳодимларимиз ана шу юксак унвон соҳиби бўлишди.

— Қорақалпоғистон деганда беҳиқтир қуриётган Орол денгизи, экологик офат зонаси кўз олдингизга келади. Бу муаммолар яқин пайтда ўз ечимини топиши мумкинми?

— Мустақиллик шарофати билан, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Орол муаммосини ҳал этиш учун қуруқ гандан амалий ишга ўтилды. Бунинг эркин мисоли — шу йил 11 январь кунин Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Россия ҳукумати аъзолари иштирокида ўтказилган Нукус конференциясидир. Бу анжуманда аниқ дастурлар белгилаб олинди. Жаҳон дардига айланган Орол денгизи фожияси олдини олиш ва шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолига амалий ердан беришга киришилди. Биринчи навбатда ичимлик суви билан таъминлаш, оқова ва ифлос сувларни Амударёга оқизмаслик, аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга киришилди. “Туямўйин — Нукус” сув узатгичи ишга тушди. Германиялик мутахассислар томонидан Тахтақўпирда қуриб битказилган сувни чучуклаштириб берувчи ноёб ишпоот ишлаб турибди. Ичимлик сувини Амударё чапқирғоқ туманларининг барчасига етказиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Қорақалпоғистон ҳам шонли байрамга пухта ҳозирлик билан бормоқда. Шубҳасиз, бу халқларимиз қалбида, онгида келажакка янада қатъийроқ ишонч тугдиради, аждодларимиз меросини бундан кейин ҳам бутун қилиб, асраб-авайлаб келажакка элтишда муҳим босқич бўлади.

Сухбатдош: Абдурахмон ИСКАНДАРОВ.

СИРДАРЕ

МУВАФФАҚИЯТЛАР ЙИЛИ

Янги даврда яшаймиз. Ота-боболаримиз бир умр орзу қилган истиқлолни қўлга киритиш бизга насиб қилди. Энди уни мустақамлашимиз керак. Шунинг учун ҳам ҳар биримизнинг елкамизда турган вазифалар ҳар қачонгидан масъулиятли.

Олдимизда ҳали қанча-қанча синовлар турибди. Аммо келажадан умидимиз катта. Чунки тавлаган йўлимиз тўғри.

Вилоят ҳокимлиги иқтисодиётини барқарорлаштириш, унинг тизимларини шакллантириш, авваламбор, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирларни оғишмай амалга ошириш учун бутун чораларни ишга солишни жадаллаштирди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1994 йил биринчи ярим йиллиги якунларига назар солладиган бўлсак, шу фикримизнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ярим йилликда вилоятда 120 миллион сўмликдан ортиқ саноат маҳсулотлари, 107 миллион сўмга яқин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11,2 фоизни ташкил қилди. Охиригича йилни олиб кўрадиган бўлсак, бу энг юқори кўрсаткичдир.

Қурилиш материалларининг танқислиги, маблаг йўқлигига қарамай 47 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблаг ўзлаштирилди. 38 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Шу олти ой ичида қанчалик қийин бўлмасин, 50 миңг квадрат метр уй-жой, 5 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, 3 та тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари 65 километр узунликда табиий газ ва 13 километрлик ичимлик суви тармоқлари қуриб битказилди.

Гулистон шаҳрининг маҳалла қисмидаги 114 ўришли туғруқхона, Оқолтин тумани марказида 120 ўришли касалхона мустақилликнинг уч йиллиги кунин арафасида ишга туширилди.

Йилнинг биринчи қадирғоқ ҳосили — пилла етиштириш ва давлатта топшириш режасини 104 фоиздан ошириб урдаладик. Эрта-индин гаула ўрминини ҳам тугаллаيمиз. Ҳозирча сугориладиган ерлардан кўтарган хирмонимиз гектарыдан 24 центнерни ташкил қилаяпти.

Умуман, бу йил деҳқончилик йили бўлди. Ишончим комилки, 1994 йил вилоятимиз учун муваффақиятлар йили бўлиб қолади. Россия, Қозғистон, Украина республикалари билан ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Нижний Новгород, Омск, Свердловск шаҳарлари, шунингдек, Хабаровск ўлкасининг бир неча шаҳарларида савдо уйлари очганмиз. Биз бу ерда ўзимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб, улардан бизга керакли саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келамиз.

1752 ишпоотни хусусийлаштирдик. Уларнинг асосий қисми бугун ҳиссадорлик ва жамоа, хусусий ва оилавий мулк шаклида фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда вилоятдаги 552 та кичик корхона, 29 та ширкатда 5,7 миңг киши иш билан таъминланган. Кичик бизнес корхоналарининг 39 фоизи моддий ишлаб чиқариш билан банд.

5 та қўшма корхонамиз бор. “Матлуба” — Ўзбек — Хитой қўшма корхонаси табиий хизмат кўрсатишга мослашган. Корхона

жамоаси ярим йилда 2825 кишига тиббий хизмат кўрсатди. Оқолтин туманидаги “Каррера” Ўзбек — Италия қўшма корхонаси бир неча йиллардан бери соф даромад олади. “Сирдаре” Ўзбек — Австрия қўшма корхонаси эрта-индин маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. “Орзу” ва “Турккиме” Ўзбек — Туркия қўшма корхоналари эса ҳозир ташкилий даврни бошдан ўтказмоқда. Улар ип калава ва гилам ишлаб чиқаришга мослашган.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ҳам жадал суръатда борапти. Бугунгача 71 та ҳам қувват хўжалик қайта тузилиб, жамоа ва ширкат шаклига ўтказилди. Улар йил бошидан бери вилоят бўйича етиштирилган гўштининг 37,4 фоизини, умумий соғиб олинган сутнинг 52,3 фоизини, туҳумнинг 18,7 фоизини етказиб бердилар.

1020 нафар фермеримиз бор. Уларга 8395 гектар ер ажратиб берганмиз. Бу вилоятимизда экиладиган ер майдонининг 2,1 фоизини ташкил қилади.

Ҳулом Фозиллов етакчилик қилаётган “Марказий Осиё” хусусий корпорацияси, Абдураим Мамашевнинг “Тошгул” хусусий корхоналарининг номи бугун вилоятимиз чегарасидан чиқиб кетди. Оқолтин туманидаги “Андижон” ширкатлар уюшмасида истиқомат қилаётган отахонлари Беғмат Жайноқов вилоятимиз фермерлари орасида пешқадамдир. Ота 130 бош қорамол (шунинг 45 боши соғин сигир) ни парваришлайди. Бундан ташқари 50 бош қўй-эчки, 9 бош от ҳам бор. Утган йили у 80 тонна суг етиштириб, шунинг 61 тоннасини давлатта сотди. 5 тонна гўшт етказиб берди. Умуман, отахон фермер бўлгандан бери 30 тоннага яқин гўшт, 200 тоннадан зиёроқ суг етиштиришга муваффақ бўлди. Ажратилган экин майдонининг 5 гектарыда мевали бот яратилди.

Вилоятимизда қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ бўлганлиги учун саноатни қишлоққа кўчиришга аҳамият бермоқдамиз. Боевут туманидаги “Тараққиёт” жамоа хўжалиги раҳбариятининг тадбиркорлиги туфайли қишлоқда 3 та кичик корхона ишга туширилди ва 200 киши ишга жалб қилинди. Шу тумандаги Навоий номидаги жамоа хўжалигида 300 тонна толани ип қилиб берадиган фабрика қуриб битказилди. Сирдаре туманидаги узумчилик ва бордорчиликка ихтисослаштирилган С. Раҳимов номидаги ширкатлар уюшмасида 5 та кичик корхона фаолият кўрсатиб турибди. Бу ерда ҳатто Сирдаре шаҳридан келиб ишлаб кетадиганлар ҳам бор.

1994 йилнинг охиригача Гулистон шаҳрида Олмониянинг “Алкател” фирмаси билан ҳамкорликда 9 миңгта рақамли алоқа станцияси жиҳозлари ўрнатилади. Туманларда алоқа хизматини яхшилаш учун Жанубий Корея Республикасининг “ДЭУ” фирмаси билан шартномалар тузилди.

Режаларимиз кўп, муаммоларимиз ҳам ундан қолишмайди. Аммо муҳими, аниқ, ҳисоб-китобли дауримиз бор. Шунинг учун ҳам барча мақсадларимизнинг амалга ошиши учун йўл очик.

Утган йилга қараганда бу йилги ютуқларимиз салмоғи катта, келгуси йилда эса бундан ҳам залворли бўлишига ишонтираман. Чунки мустақиллик бизга янги-янги куч-қувват ва катта имкониятлар берапти.

Ҳуломқодир ҲАСАНОВ, Сирдаре вилояти ҳокими.

ФАХРИЙЛАР ИЗЗАТДА

СИРДАРЕ вилоят фохрийлар шифохонасида ҳамма нарса етарли, гўе бу жойда бозор иқтисодига ўтиш даврининг қийинчиликлари мутлақо йўқдек. Шифохона дорихонасида турди дори-дармонлар бор.

Умуман, бу ерда жунгана шифохона дегинг келмайди. Ҳар бир хонада фақат иккитадан қаравот, туллар, озодалик, фарошлар фақат полларга эмас, эшик-даразаларга ҳам гард юктиришмайди.

Агар бир гуруҳ фохрийлар бизга мурожаат қилишиб, “бизнинг шифохонани, унинг бош ҳақими Алижон Рустамович Солиев ва барча шифокорларни газетлага “езинглар”, дейишмаганда, эҳтимол, бу ерда қилинаётган катта ишларни пайқамган бўлардик.

Ҳўп, бунчалик маъмурийлик манбаи нимада? Охинонда кунига бир бемор овқатига ўн беш сўмдан, дори-дармонига уч сўмдан сарфланиб турса, бюджет ажратмаси етмайдику?

Биринчи манба — пулли хизмат. Шифохона маълум киниларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган, табиийки, улардан пул олинмайди. Бирок, малкали табиий ердан олишни истаган ҳар қандай фуқаро учун эшиклар очик. Ана шу йўл билан шу йилнинг биринчи ярмида 104 миллион 393 миңг сўмлик миаллий вилотида ҳисобда пулли хизмат кўрсатилди.

Иккинчи манба — кислород цехи. Илгари кислород баллонлари бошқа жойлардан тулзаиб келиниб, анча миқдорда пул тулларди. Энди шифохонанинг ўз кислород цехи бор. Ҳозир ички эҳтиёжлар тула қондирилиши ташқари бошқа шифохоналарга кислород сотилапти.

Учинчи манба — ердими хўжалик. Шифохона худуди бир неча гектарни ташкил қилади. Ҳозирча мева камроқ, бироқ сабзавот, полиз



маҳсулотларини кўп миқдорда етиштириш имкони бор. Бундан буюн қорамоллар қўпайтирилади. Бу ҳам даромаднинг бир манбаси.

Шифохонада физиотерапия бўлими, гелотерапия кабинати ишлаб турибди. Қуеи нури ва иссиқлиги билан даволаниш истиқболи катта. Шу сабабли энди бир неча хонада кичикроқ бино таъмирланиб, гелотерапия бўлими очиниша тайёрларик қуриляпти.

— Режамизда катта ишлар бор, — дейди бош шифокор ўринбосари, муассаса касбада уюшма қўмитаси раиси Марғуба Рихсиенна Ҳасанова. — Буларнинг энг муҳими — беморларнинг шифо топиши учун ҳозиргидан ҳам ақшироқ шароит яратишдир. Ҳозир олиб борилаётган қурилишлар ҳам худди шу мақсадга қаратилган.

С. СУЛТОНОВ.

РИЗҚ-РЎЗ МАСКАНИ

ҲАМЕНИНГ бут бўлса, бозор биносини қилувчи деҳқонларга ризқ-рўзинг бозорда, “Оролсувқурилиш” қулайлик туғдиради. дейдилар. Мустақилликнинг уч бунёд этдилар. Бозорда шимолидаги энг йирик олдидан Чимбой шаҳри деҳқонлар учун 24 ўринли марказида қад тиклаган бу аҳли ана шундай ризқ-рўз уй, юк сақлаш хоналари ҳам улкан ишпоот хонадонларнинг каму масканига эга бўлишди. Ҳар бири 200 ўринли 2 дам олиш, чойхона, маиший кўсти, ризқу рўзига барака савдо залидан иборат бу хизмат заллари ҳам савдо таратади.

“Ишонч” муҳбири.

# Турли тарздаги иқтисодиёт ва бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш ва таркибий тузилишини қайта ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Хулкар ЖАМОЛОВнинг Федерация кенгаши 1994 йил 4 август мажлисидаги

## МАЪРУЗАСИ

Муҳтарам кенгаш аъзолари, азиз меҳмонлар!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бугунги мажлисида биз республика касаба уюшмалари ҳаёти ва фаолиятининг ғоятда муҳим масалаларини муҳокама қилишимиз лозим.

Гап — касаба уюшмаларининг янги Ҳаракат дастури ва Низоми лойиҳалари, касаба уюшмаларининг таркибий тузилишини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тамойиллари ҳақида боради. Ўзингизга маълум, касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, бозор ислохотларини амалга ошириш, янги ривожланган ҳуқуқий давлатни барпо этиш борасидаги муҳим вазифалари ана шу ҳужжатларга боғлиқ.

Масаланинг бундай қўйилишига сабаб нима: бу шунчаки Федерация кенгаши раҳбариятининг хоҳиш-иродасими ёки ҳаётини зарурати?

### I.

Ўзингиз биласиз, ҳозир амал қилаётган Дастур ва Низом 1990 йилда ишлаб чиқилган ва 1991 йилнинг мартада қабул қилинган эди. Республика касаба уюшмаларининг таркибий тузилиши ҳам ўша вақтда шаклланган. Яъни, асосий кўрсатмалар ва фаолият тамойиллари қатъиян ягона Иттифоқ шароитида, марказлашган ВЦСПС тизимида ишлашга йўналтирилган эди.

Шундан бери республика, унинг касаба ташкилотлари ҳаётида жуда катта сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар рўй берди. Янги шароитлар ишга янги аҳдошуви, янги мезонларни талаб қила бошлади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришди. Халқаро майдонда жаҳон ҳамжамиятининг кенг эътирофига сазовор бўлди.

Яқинда республикамиз меҳнаткашлари мамлакатимиз мустақиллигининг 3 йиллигини кенг нишонлайдилар. Улар Президентимиз Ислам Каримов тавсия қилган турли тарздаги иқтисодиёт ва бозор муносабатларига бошқичма-бошқич ўтиш тамойилларини амалга ошира бориб, жамиятимизда фуқаролар тинчлиги, миллатлар тотувлигини мустаҳкамлаш йўлида қизгин меҳнат қилмоқдалар.

Республика касаба уюшмалари ҳам мустақилликка эришди, юқорига қарамликдан озод бўлди. Уларда эркинлик, ҳуррият ва демократия қарор топди. Улар касаба уюшмаларининг халқаро ташкилотларига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кирдилар. Ўз фаолиятларини жаҳонда қабул қилинган андозалар ва тамойилларга мос равишда амалга ошира бошладилар.

Касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақоми ҳам ўзгарди. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси, касаба уюшмаларимиз ҳаракати тарихида биринчи марта қабул қилинган Касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонун уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларидаги ҳуқуқ ва ваколатларини, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари билан, давлат ва хўжалик идоралари, бошқа сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб берди.

Ниҳоят, мамлакатимизда бу жуда муҳим ижтимоий-иқтисодий вазият тубдан ўзгарди. Биз энди бозор омиллари билан юзма-юз дуч келдик. Шу йилнинг бошидан турли тарздаги иқтисодиёт ва бозор муносабатларига ўтишнинг сифат жиҳатидан янги бошқича бошланди.

Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг шу йилнинг 21 январидан

чиқарган Фармони, унинг инъикоси бўлиш қатор ҳужжатлар, ўз валютамизнинг муомаласига киритилиши давлатимиз ва жамиятимиз ўз миллий ва ижтимоий тараққиётининг янги бошқичига қадам қўйганидан далолат беради.

Бугунги кунгача республикада "кичик" хусусийлаштириш тугалланди, 50 мингдан зиёд савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат иншоотлари жамоа мулкига ёки хусусий мулкка айланди. Уй-жойларни хусусийлаштириш ўтказилди. Деҳқон, фермерлик хўжаликлари кенг ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш бошқарувининг таркибий тузилиши қайта ташкил этилди. Асосий ҳуқуқ ва ваколатлар бевосита ишлаб чиқарувчиларга — меҳнат жамоаларига берилмоқда. Эндиликда ишлаб чиқариш масалалари халқ хўжалигининг ўзаро боғлиқ тармоқларини бирлаштирувчи мажмуалар даражасида ҳал этилиши кўзда тутилган.

Иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада мутлақо янги муҳит шаклланди. Бугунги кунда республикада 12 мингдан зиёд ҳиссадорлик жамиятлари, ижарага олинган, кичик ва қўшма корхоналар ишлаб турибди. Борган сари маҳсулотнинг кўпи ана шу жамият ва корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Шу кунларда иқтисодиётнинг давлат тасарруфига кирмаган корхоналарида 100 минглаб кишилар меҳнат қилишапти. Шу нарса аёнки, ўрта ва йирик корхоналар хусусийлаштирилиб, шу билан боғлиқ бўлган бошқа ўзгаришлар амалга оширилганидан сўнг бозор тузилмаларининг сони ва аҳамияти оғишмай ошиб боради.

Бу бизда мутлақо янги ижтимоий тоифалар, бир томонда — ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари, иш берувчилар, иккинчи томонда — ёлланма ишчилар каби тоифалар таркиби топаётганлигини англатади. Жамиятдаги ижтимоий кучларнинг таркибий тузилиши ва нисбати, улар ўртасидаги муносабатларнинг янги аҳволи ана шу хусусиятлар билан белгиланади.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV қурултойида биз Ҳаракат дастурини қабул қилаётимиз, албатта, республика бозор иқтисодиётига ўтиш йўлига мустаҳкам туриб олганидан, бу йўлдан бошқа йўлнинг йўқлигидан келиб чиққан эдик. Шунинг эътиборига олиб биз Президентимиз Ислам Каримов ишлаб чиққан бозор ислохотларининг беш тамойилини энг аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва унинг кам таъминланган гуруҳларини ҳимоялаш устиворлигини қўллаб-қувватладик. Шу билан бирга, бозор муносабатларининг ўзгаришларида фаол иштирок этиб келдик ва бундан кейин ҳам иштирок этаверамиз.

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий манфаатларига, меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли барча қонунлар ва ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва текширувида бевосита иштирок этдилар. Жамоа шартномалари ва битимлари ёрдамида халқ манфаатларини ҳимоя қилишнинг муайян тажрибалари орттирилган. Шу жиҳатдан олганда, илгари қабул қилинган дастурнинг мақсад ва вазифалари маълум даражада бажарилди, деб айтсак бўлади.

Лекин уч йил муқаддам биз бозор муносабатларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ мураккаб ва зиддиятли муаммоларни олдиндан била олганимиз йўқ. Уларга нисбатан ўз нуқтан назаримизни белгилаб олишимиз ҳам қийин эди албатта.

Бозорга ўтиш ҳар бир инсоннинг ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати, тадбиркорлиги учун кенг имкониятлар очиб берди, меҳнатни моддий рағбатлантириш омилларини вужудга келтирди. Шу билан бир қаторда нарх-навоининг ўсишини, пулнинг қадрсизланишини ҳам келтириб чиқарди. Хўжалик алоқаларининг узилиши, тўловларни ўтказиш муаммоси ишлаб чиқаришдаги турғунликка, ошқора ва яширин ишсизликка олиб келди.

Шу муаммоларни ҳисобга олиб, янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитга жавоб берадиган Ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур бўлиб қолди.

Амалдаги, аввалги Низомни қабул қилаётганда биз асосий ҳуқуқ ва ваколатлар, моддий ва молиявий ресурслар бевосита касаба уюшмаси ташкилотларида тўпланиши лозимлигидан келиб чиққан эдик. Биз ана шу тамойиллардан ҳозир ҳам воз кечаётганимиз йўқ. Аксинча, таклиф қилинаётган Низом лойиҳасида улар ҳам кўзда тутилган.

Аммо уч йил илгари биз бозор ислохотлари аҳолининг меҳнат ва ижтимоий манфаатларига шу қадар таъсир этишига, уларни ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларининг барча куч ва воситаларини сафарбар этиш зарур бўлишини тасаввур қила олмаган эдик. Ваколатларини қўйдан юқорига бериш тамойиллари бир томондан қўйи ташкилотларга бир мунча эркинлик ва мустақиллик берган бўлса, лекин иккинчи томондан марказ касаба уюшмаларини, айниқса касаба уюшмалари Федерациясининг имкониятларини чеклаб қўйганига ҳам биз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ҳозирги амалдаги тузилмани шакллантирар эканмиз, биз кўнгиллилик, тармоқ касаба уюшмалари ва ҳудудий уюшмаларнинг мустақиллиги тамойилларидан, федерализм тамойилларидан воз кечмоқчи эмасмиз.

Мазкур Кенгаш мажлисида муҳокама қилиниши керак бўлган асосий масалалар қисқача қилиб айтганда, ана шулардан иборат.

Федерация кенгаши Раёсати оқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда катта тайёргарлик ишларини амалга оширди. Ишчи гуруҳлари тузилди. Низом ва таркибий тузилиш бўйича Федерация кенгаши раиси ўринбосари Қ. М. Рафиқов, Ҳаракат Дастури бўйича кенгаш раиси ўринбосари М. М. Тўлаганова, шунингдек, молиявий лойиҳалар бўйича кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Т. Ҳ. Собитовлар раҳбарлик қилишди. Уларга тармоқ ва ҳудудий уюшмаларо касаба уюшмаси ташкилотларининг раҳбарлари, аппарат ходимлари қўшилишди. Улар масалаларнинг моҳиятига кириб, бошқа мамлакатлар касаба уюшмаларидаги вазиятни ўрганиб чиқишди. Ҳуқуқшунослар ва экспертлар билан маслаҳатлашдилар. Шулар асосида таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдилар.

Биз ушбу лойиҳалар бўйича бир неча бор касаба уюшмаси фаоллари билан маслаҳатлашдик, касаба уюшмалари ташкилотлари ва идораларида, тармоқ ва ҳудудларнинг мажлисларида сўзга чиқдик. Ана шу иш жараёнида билдирилган таклифларнинг ҳаммаси инobatта олинди, маълум тузатишлар киритилди.

Энди ана шу энг муҳим масалалар устида мукамалроқ тўхталишга руҳсат беринг.

### II.

Ўзингизга маълумки, бугунги кунда

Мустақил республикамизнинг Конституциясига мувофиқ, касаба уюшмалари жамоат ташкилоти сифатида давлат вазифаларидан озод қилинган. Ҳеч қандай сиёсий фирқа раҳбарлиги остида ишламайди. Аммо бу касаба уюшмалари давлат қурилиши ва сиёсий ҳаёт масалаларига бефарқ қарайдилар, деган маънони англатмайди. Улар ўз мустақиллигига путур етказмаган ҳолда қонун чиқарувчи, ижроия, хўжалик идоралари билан, фирқалар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин ва шундай қилишлари ҳам керак. Сайлов компанияларида, референдумларда фаол иштирок этишлари, сиёсий барқарорлик мустаҳкамланишига, давлатимиз мустақиллиги ва обрў-эътиборининг ошиб боришига ёрдам беришлари лозим.

Конституцияга мувофиқ, касаба уюшмалари бевосита қонун чиқариш ташаббускорлари бўлиб чиқмайдилар. Аммо бу қонун ва меъёрий ҳужжатларни, айниқса меҳнат шароитига ва ижтимоий ҳимоя қилишга тааллуқли ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш масалалари бўйича иштироклари бўлмайди деган гап эмас. Аксинча, аҳолини иш билан таъминлаш, пенсия таъминоти, касаба уюшмалари тўғрисида, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат қонуни ҳақидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги муҳим қонунлар лойиҳалари касаба уюшмалари мутахассисларининг бевосита иштирокида ишлаб чиқилди. Бу қонунлар республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинганлиги ўзингизга маълум. Ҳозирги кунда ҳам касаба уюшмалари Федерация кенгаши Адлия ва Меҳнат вазирликлари билан бирга меҳнат ҳақидаги, аҳолининг кам таъминланган табақаси ва бошқалар тўғрисидаги янги қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда.

Шунинг учун Дастурда касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатига дахлдор бўлган барча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар олдиндан ишлаб чиқиши ва мутахассислар томонидан текширув ўтказилишида, фаол қатнашадилар, деб аниқ белгилаб қўйиш керак.

Маъмурий — буйруқбозлик тизимида касаба уюшмалари номигагина меҳнаткашлар ҳуқуқларини ифодалар ва ҳимоя қилар эди. Аслида улар моддий рағбатлантирилмайдиган меҳнатга сафарбар этишининг яширин кўриниши бўлиб хизмат қиларди. Социалистик мусобақа, коммунистик меҳнат учун ҳаракат ва ҳоказолар ана шу мақсадга қаратилган эди.

Лекин янги тамойилларга ўтаётган пайтда, айрим касаба уюшмалари, шу жумладан Федерациямиз ҳам, ишлаб чиқаришга аралашмай қўйдилар. Аммо ҳаёт бундай нуқтан-назарни рад этмоқда. Ишлаб чиқаришдаги самарадорликнинг пасайиб кетишидан, маҳсулотлар етказиб берилмаётганидан, тўловлар ўз вақтида ўтмаётганидан, бекор туришлардан айнан меҳнаткашлар — касаба уюшмаларининг аъзолари биринчи навбатда қийин аҳволга тушмоқдалар. Бизда ишлаб чиқаришда 6 мингдан зиёд бошланғич касаба ташкилотлари бор. Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари барча муаммоларнинг моҳиятига кириб боришлари, ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи таъсир ўтказишлари зарур.

(Давоми 4-5-бетларида).

## Турли тарздаги иқтисодий ва бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон қасаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш ва таркибий тузилишини қайта ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 3-бетда).

Шуни таъкидлаш керакки, қасаба уюшмаларининг кўпгина қўмиталари ва ташкилотлари бу борада яхши тажрибаларни тўплашган. Маъмурият билан биргаликда ишлаб чиқаришни кўтариш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва унга ҳақ тўлаш, меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олиши, соғломлаштириш, бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этмоқдалар. Бу жуда тўғри. Шунинг учун янги Дастурда қасаба уюшмаларининг барча бўғинлари мулкчилик шаклидан қатъий назар, меҳнат жамоаларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этадилар, деб кўрсатиб ўтиш ҳам зарур кўринади.

Ҳозир ўрта ва йирик корхоналарни хусусийлаштириш, уларни ҳиссадорлик корхонасига айлантириш ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Бу жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари — мулк эгаллиги ўзгармоқда, демакдир. Мазкур шароитларда қасаба уюшмалари ижтимоий адолатни ҳимоя қилишга, ҳар бир фуқаронинг хусусий мулкка Конституцияда белгиланган ҳуқуқларини таъминлашга, айна вақтда корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоалари манфаатларининг устиворлигига эришишга даъват этилган. Биз хусусийлаштиришнинг аввалги босқичларида, шу жумладан, уй-жойларни, савдо ва маиший объектларни хусусийлаштиришда четда қолганимизни тан олиб, йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан ҳулоса чиқаришимиз керак.

Энг муҳими, ишчилар ўзларини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эгалари эканликларини ҳис этишларига, уларнинг иш натижаларига тўла масъулият билан ёндашишларига эришмоғимиз лозим. Бу ҳақда 29 июлдаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди. Шунинг учун Дастур ҳужжатларимизда биз ўтказилаётган ислохотларда, ўз нуқтаи назаримизни, ўз ўрнимизни аниқлаб олишимиз керак.

Ҳозирги шароитда меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсияларнинг, нафақаларнинг, сипендияларнинг оширилиши, ишсизликдан ҳимоя қилиш масалалари қасаба уюшмалари олдида турган асосий масала бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам улар олдида турган вазифалардан бири, ҳукумат билан биргаликда меҳнат ҳақи тизимини ислоҳ қилиш, жамиятнинг миллий даромадида иш ҳақи улушини ошириш бўлиб қолди.

Аҳолининг ижтимоий заиф тоифаларига муҳтожлигидан келиб чиқиб ёрдам бериш тамойилларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қасаба уюшмалари муҳим роль ўйнайди. Улар ижтимоий ёрдамни текис тақсимлашни боқимандаликка хос кайфиятни ўзгартиришга ҳаракат қилишлари керак. Буни янги Дастурда очик-ойдин қайд этиш лозим.

Ҳозирда мутахассисларимиз "Узистиболстат" давлат қўмитаси, ижтимоий таъминот ва меҳнат вазирликлари ходимлари билан биргаликда ана шу тамойилларни амалга ошириш йўллари ишлаб чиқмоқдалар. Шу мақсадда 22 мингдан зиёд оилаларнинг даромади ва буромадлари республиканинг барча вилоятларида сўровлар орқали ўрганилди. Таклифларимизни яқин кунларда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш кўзда тутилган.

Янги шароитларда одамларга тиббий хизматларни кўрсатиш, ешларимизга таъмин бериш, уларга маданий хизмат қилиш масалалари долзарб бўлиб қолди. Ана шу ҳаётини муҳим соҳаларда бозор шартлари амал қила бошлагани, хизматларнинг кўпгина турлари пулли бўлиб қолгани бир ҳисобда табиий десак бўлади. Лекин шу билан бирга қасаба уюшмалари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бош йўналишлари тобора кўпроқ даражада давлат бюджетидан, жамоат ва хайрия жамғармаларидан молиявий таъминланишига, ҳар бир инсон моддий ёрдамдан четда қолмаслигига эришишга даъват этадилар.

Қасаба уюшмалари зиддиятларга, тарафқашликка йўл қўймасликка интиладилар. Барча баҳсли масалаларни томонлар учун мақбул мurosалар йўли билан ҳал этилишига ҳаракат қиладилар. Ҳукумат билан, тадбиркорлик ту-

зилмалари, маҳаллий маъмурият билан ўзаро ҳамкорликнинг асосий шакллари — бош, тарифли ва ҳудудий битимлар ҳамда жамоа шартномалари бўлиши керак. Лекин, уларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, уларда баён этилган талаб ва қоидалар ижроси устидан назорат қилиш йўлларининг механизми ишлаб чиқилмаган. Холбуки шартнома — меҳнатқашларнинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиши керак. Бунинг учун қасаба уюшмалари оғишмай изчиллик ва қатъият билан ҳаракат қилишлари лозим. Бугунги кунда қасаба уюшмалари олдида турган кенг кўламли мураккаб муаммоларнинг тўла бўлмаган рўйхати ана шулардан иборат.

### III.

Ҳурматли кенгаш аъзолари! Ҳозирги вақтда Ўзбекистон қасаба уюшмалари ўз сафларида 7 миллиондан зиёд ишчи — деҳқонларни, хизматчиларни, талаба ва пенсионерларни 50 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотларда бирлаштиради.

Шунинг учун ҳам қасаба уюшмаларини республика фуқароларининг барча тоифаларини бирлаштирувчи энг оммавий, энг таъсирчан ташкилот десак, хато қилмаган бўламиз. Бизнинг кўпгина бошланғич қасаба уюшмалари ташкилотлари меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялашда катта ишларни олиб бормоқдалар.

Айни вақтда янгиланган қасаба уюшмаларининг янгича ижтимоий-иқтисодий шароитлардаги фаолияти тажрибаси шуни кўрсатадики, зарур ислохотлар чоғида муайян камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган.

Очиғини айтганда, мустақиллик, кўнгиллилик ва демократия шиори остида бизда қатор ҳолларда яққохонликка, ҳолисликка, ташкилий тарқоқликка интилиш тамойиллари намоён бўлди. Айрим кам сонли тармоқ қасаба уюшмалари илгари мустақам, боғлиқ тармоқ қасаба уюшмаларидан ажралиб чиқди. Маданият ходимлари, давлат муассасалари ходимлари, савдо ходимлари Тошкент шаҳар қўмиталарининг ўз республика қўмиталаридан мустақил бўлиб ажралишга интилишлари қанча муаммоларни келтириб чиқаргани ҳаммагизга маълум.

Бугунги кунда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси таркибда 25 республика тармоқ ташкилотлари, 140 дан зиёд вилоят ва 867 шаҳар ва туман қўмиталари фаолият кўрсатмоқда.

Олдиндан айтиб қўйи: қасаба уюшмаси ҳаракатининг оммавийлиги ва серқирралиги бошқаруving сертармоқ ва ўзгарувчан таркибий тузилишини тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда, аксарият тармоқ, республика, вилоят, бир қатор туман қўмиталарининг зарурлиги шубҳа уйғотмайди. Аксинча, уларни ташкилий, моддий-техника ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур.

Аммо бугунги кунда қаерда ва қандай қасаба уюшмалари идоралари шаклланган, улар кимнинг манфаатларини ҳимоя қиладди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамми деган савол туғилапти? Ана шуни бугунги мажлисимизда ташкил қиладиган комиссия аниқлаши лозим бўлади, деб ҳисоблаймиз. Мисол учун, айтилик нима сабабдан айрим вилоятларда соғлиқни сақлаш ходимларининг туман қўмиталари фаолият кўрсатапти-ю, бошқаларида йўқ, буни қандай изоҳлаш мумкин? Айрим туман қўмиталари бир неча минг қасаба уюшма аъзоларини бирлаштиради-ю, бошқаларида юз киши ҳам чиқмайди. Бунинг сабаби нимада?

Энг муҳими шундаки, турли тарздаги иқтисодий ва бозор муносабатлари, ўтиш даври келтириб чиқарган қийинчиликлар шароитида қасаба уюшмалари ягона талаб ва таклифлар билан чиқишлари, ижро назоратининг ягона воситаларидан фойдаланишлари, белгиланган тадбирларни амалга оширишда жипслашиб, ҳаракат қилишга тайёр туришлари керак. Агар улар турли қасаба уюшмаларига бўлинган, ҳар хил, баъзан бир-бирига зид бўлган низомиларга амал қиладиган, сайлаб қўйиладиган органлар турли мезон ва нуқтаи назардан келиб чиқаётган бўлишса, нима қилиш керак?

Бу муаммони ҳал қилиш устида биз — Федерация кенгаши ходимлари сўнги

ойларда аъзолик ташкилотлари билан маслаҳатлашдик. Қасаба уюшмалари таркибий тузилишини ихчамлаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш йўллари кўриб чиқяпмиз. Баъзи бир тармоқ қасаба уюшмаларини, айниқса бирга ишлаган қасаба уюшмаларини қайта бирлаштириш таклифлари бор.

Масалан: илгари фанлар академияси қасаба уюшмаси Республика Қўмитаси атиги 12 минг аъзоси билан бир миллионга яқин халқ таълими ва фан ходимлари қасаба уюшмасидан ажралиб чиққан, давлат муассасалари ва қуроли кучлар ходимлари қасаба уюшмалари ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Атиги 20 минг кишидан иборат ўрмончилик тармоқлари ходимлари қасаба уюшмаси ўз вақтида юқоридан берилган кўрсатма билан ташкил этилган эди.

Бу қасаба уюшмаси аввал агросаноат мажмуаси билан боғлиқ ўрмончиликда ишлайдиган аъзолардан 6 минг кишини, қурилиш ташкилотларида ишлайдиган "Ўздавлатқурилишёғоч" ишлаб чиқариш саноати соҳасидан 8 минг кишини ва аҳолига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган мебель давлат ҳиссадорлик жамиятидан 8 минг кишини сўнги равишда битта қасаба уюшмасига бирлаштирилиб, ташкил этилган эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, бир пайтда автомобиль транспорти ва йўл қурилиш ҳамда алоқа ходимлари қасаба уюшмалари биргаликда ишлаганлар. Биз бу муаммоларни ўрганиб, бошқа хорижий давлатлар бозор иқтисоди шароитини инобатга олган ҳолда қасаба уюшмалари таркибий тузилиши билан танишдик. Ҳар қайси давлат қасаба уюшмалари таркибий тузилиши ўзининг иш шароитига қараб ташкил топганини кўрдик. Масалан, Хитой қасаба уюшмалари атиги 15 та, Германияда 16 та, Данияда 14 та тармоқ қасаба уюшмалари бор экан. Кўп мамлакатларда геология, нефть-газ ва кўмир саноатларида ишлайдиган ишчилар битта тармоқ қасаба уюшмасига қарашади. Аксарият давлатларда маданият ходимлари қасаба уюшмалари алоҳида ташкил қилинмаган.

Биз қайта ташкил этиш бўйича таклифлар, турли мулоҳазалар, баҳс ва эътирозлар келтириб чиқаришнинг тушунамиз. Шунинг учун ҳеч кимга ҳеч нарсаи мажбурламаймиз. Бу масалалар қасаба уюшмаси аъзолари томонидан йиғилишларда, конференция ва қурултойларда ҳал этилгани маъқул. Бу ҳақда биз кеча бўлиб ўтган Раёсат мажлисида ҳам келишиб олганмиз.

Ишчи гуруҳи тармоқ қасаба уюшмаларининг вилоят, шаҳар ва туман қўмиталари тузилмаларида ҳам ўзгаришларни амалга оширишни таклиф қилмоқда. Унда вилоят қўмиталарини ташкил этиш учун камида 20 мингдан, шаҳар учун — 5 мингдан, туман қўмиталари учун 3 мингдан кам бўлмаган аъзолар бўлиши назарда тутилган. Вилоят марказларида ҳам шаҳар тармоқ қўмиталарини тузиш кўзда тутилмаган. Ҳисоб-китоблар ана шундай ёндашилган тақдирда вилоят, тармоқ қўмиталарининг сони тахминан 50 тага, шаҳар ва туман қўмиталари 350 тага қисқарилишини кўрсатади. Бир йўла қасаба уюшмаси ташкилотларини республика тармоқ қасаба маркази билан алоқасиз қолмаслик учун вилоятларда тармоқ қасаба уюшмалари Марказий Қўмиталарининг вакилликлари жорий этилиши ҳам эътиборга олинган.

Мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг масаласи бўйича кўпгина баҳслар бўлганини биз биламиз. Уларни ҳал этиш, ягона ёндашувини ишлаб чиқиш учун тажриба ўтказдик. Шу кунда 60 дан зиёд кенгашлар туманларда самарали ишлаб келмоқда. Улар турли тармоқлар бошланғич ташкилотларининг ҳамжиҳатлик билан иш юритишини таъминламоқдалар, вужудга келган масалаларни биргаликда ҳал этмоқдалар. Қасаба уюшмаси аъзоларининг манфаатларини маҳаллий ҳокимият идоралари ва ҳўжалик тузилмалари олдида биргаликда ҳимоя қилмоқдалар.

Шуни ҳисобга олиб туманларда шошма-шошарликка йўл қўймасдан, бу шароитларни ўрганган ҳолда мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузиш имконияти бўлса вилоят қасаба уюшмалари бу муаммони ўзлари ҳал

этишлари мумкин. Мана шу таклифларни мажлисга қўйишдан олдин ишчи гуруҳи барча тармоқ ва ҳудудий қасаба уюшмаси ташкилотлари билан маслаҳатлашиб чиқди, уларнинг берган кўпгина тавсияларини инобатга олди.

Ишчи гуруҳи томонидан таркибий тузилиши қайта ташкил этиш воситалари бўйича таклифлар тайёрланган. Уларни демократик нормаларга қатъиян мувофиқ равишда, низоми талаблари ва қасаба уюшмаларининг ваколатларига мувофиқ тарзда амалга ошириш зарур. Белгиланаётган қайта ташкил этишни қасаба уюшмаларидаги ҳисобот ва сайловлар билан бир вақтга тўғри келмаётгани ушбу ишга тезкорлик бағишлаш, ҳар бир бошланғич ташкилотнинг фикрини аниқлаш ва ҳисобга олиш, сансаларликка йўл қўймаслик имконини беради. Биз ўтган ишчи кенгашида шу ҳақда барча тармоқ ва қасаба уюшмаси ташкилотларининг раҳбарлари билан батафсил гаплашиб олдик. Яна бир қарра такорлайман. Бўлажак иш давомида биз қасаба уюшмалари фаолларининг фикрларини ва асосли таклифларини инобатга олишга тайёрмиз ва шундай ҳам бўлади.

Яна бир муҳим масала устида тўхталмоқчиман. Агар биз қасаба уюшмаларининг талаб ва таклифларини ҳукумат олдида, вилоят маъмуриятлари олдида, тадбиркорлар ташкилотлари олдида инобатга олишларини истасак, Федерация кенгаши, унинг Раёсати ана шу идоралар олдида республикадаги барча қасаба уюшмаларининг тўла ҳуқуқли, барча зарур ваколатлар берилган мухтор ташкилоти сифатида намоён бўлиши керак.

